# "ШАХРИСАБЗ ПАХТА ТОЗАЛАШ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ 1-СОН БАЁННОМАСИ

**Қашқадарё вилояти,**
**Шахрисабз тумани, Ипак йўли кўчаси, 110-уй** **2022 йил 17 июнь**

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани, Ипак йўли кўчаси, 110-уйда "Шаҳрисабз пахта тозалаш" акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **13:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **14:45**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **15:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 1 233 792.

"Шаҳрисабз пахта тозалаш" акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият бош директорининг 2022 йил 20 майдаги 31-сонли таклифи инобатга олиниб, кузатув кенгаши томонидан 2022 йил 23 майда қабул қилинган қарорга мувофиқ ўтказилиши белгиланган.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана - 2022 йил 13 июнь.

Жамият кузатув кенгашининг раиси узрли сабабларга кўра йиғилишда қатнашмаётганлиги сабабли, кузатув кенгашининг вакили Ў.Тиловов йиғилиш раёсатини ва котибини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1.Жумаев Акмал Ярашович - "Қашқадарёпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси акциядорлик жамияти бош ҳисобчиси-Йиғилишда раислик қилувчи;

2. Тиловов Ўктам –Жамиятнинг 27.9 % акциядорининг вакили.

3. Худойбердиев Аъзам Бобохонович – жамият бош директори;

Йиғилиш раёсати аъзоси А.Б.Худойбердиев малака ва тажрибага эга бўлган "Қашқадарёпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси" АЖ бош ҳисобчиси А.Я.Жумаевни йиғилишда раислик қилувчи этиб ва жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи А. Амировни йиғилиш котиби этиб сайлаш таклифини киритди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилишда раислик қилувчи этиб А.Я.Жумаев ва йиғилиш котиби этиб А.Амиров сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи А. Жумаев очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни саноқ комиссияси аъзоси З.Садуллаевга берди.

Саноқ комиссияси ахбороти:

Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси томонидан 2022 йил 13 май ҳолатига шакллантирилган "Шаҳрисабз пахта тозалаш" акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 648 та

акциядорга тегишли 1 414 512 дона акциялар катнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вакти тугаганда, умумий микдорда 1 233 792 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 6 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 87,2 % ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) хисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

З.Сафаров- Қашкадарёпахтасаноат" ҲБАЖ Тугатиш комиссияси раиси;

А.Худойбердиев–жамият бош директори;

З.Садуллаев –жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори;

Ш.Эшбоев – жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоси.

Йиғилишда раислик килувчи А. Жумаев йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

## КУН ТАРТИБИ:

1. "Шахрисабз пахта тозалаш" АЖ акциядорларининг умумий йиғилиш регламенти ва санок комиссияси таркибини тасдиклаш.
2. "Шахрисабз пахта тозалаш" АЖнинг 2021 йил якуни ва бизнес режаси кўрсаткичларини бажарилиши бўйича жамият бошкарув раисининг хисоботини тасдиклаш.
3. "Шахрисабз пахта тозалаш" АЖнинг 2021 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиклаш.
4. "Шахрисабз пахта тозалаш" АЖнинг 2021 йил якуни бўйича тафтиш комиссиясининг хулосаларини тасдиклаш.
5. "Шахрисабз пахта тозалаш" АЖ Кузатув кенгашининг 2021 йил якуни бўйича хисоботини тасдиклаш.
6. "Шахрисабз пахта тозалаш" АЖнинг ташки аудиторининг 2021 йил молия-хўжалик якуни бўйича хулосасини тасдиклаш.
7. "Шахрисабз пахта тозалаш" АЖнинг ўтган йиллардаги таксимланмасдан колган соф фойдасини таксимлаш.
8. "Шахрисабз пахта тозалаш" АЖ ижроия рахбари билан тузилган мехнат шартномаси муддатини узайтиришни кўриб чикиш.
9. "Шахрисабз пахта тозалаш" АЖнинг 2022 йил якуни бўйича аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган хакнинг энг кўп микдорини белгилаш.
10. "Шахрисабз пахта тозалаш" АЖнинг 2022 йил учун бизнес-режасини тасдиклаш.
11. "Шахрисабз пахта тозалаш" АЖ низомига тегишли ўзгаришлар ва кўшимчалар киритиш.
12. "Шахрисабз пахта тозалаш" АЖ ташкилий тузилмасини тасдиклаш.
13. "Шахрисабз пахта тозалаш" АЖ Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.
14. "Шахрисабз пахта тозалаш" АЖ Кузатув кенгаши аъзоларига хак тўлаш масаласини кўриб чикиш.
15. "Шахрисабз пахта тозалаш" АЖдаги мавжуд фойдаланилмаётганлиги учун таъсирчан солик механизми кўлланилаётган объектларни давлат тасарруфига бериш масаласи.

16. "Шахрисабз пахта тозалаш" АЖдаги муддати ўтган дебитор карздорликларни жамият харажатига олиб бориш.

17. Йиллар мабойнида ишлаб чикариш жараёнларида фойдаланиб келинганлиги натижасида бугунги кунда фойдаланишга яроксиз холга келиб колган турли асосий восита, инвентарлар ва товар-моддий бойликларни;

-кўп йиллардан буён омборларда харидор бўлмаганлиги сабабли сотилмасдан сакланиб колдикда колиб келаётган, вакт ўтиши, сакланиши эвазига ўзининг сифатини йўкотган, яроклилик муддати ўтган турли хилдаги товар моддий кийматликлар, химикатлар;

-пахта хом ашёсини кабул килиш, саклаш, ишлаб чикариш ва пахта махсулотларини истеъмолчиларга ортиб жўнатиш жараёнларида ишлатиладиган хар хил турдаги хисоб-китоб бланклари, (ХЛ ва дафтарлар) пахта хом ашёсини етиштириш, кабул килиш бўйича контрактация шартномаси бланклари ва турли хилдаги этикетка, ёрликлар;

- носохавий йўналишлар, мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида фойдаланиладиган турли хил китоблар, адабиётлар;

-уй рўзгор жихозлари, турли хилдаги кийим кечак (трикотаж) махсулотларини Қонунчиликда белгиланган тартибда чиким килиш максадида бухгалтерия миллий стандартлари талаблари асосида инвентаризациядан ўтказиб, тегишли хужжатлар ва белгиланган тартиб асосида харажатларни хисобдан чикариш максадида 2022 йил молия-хўжалик фаолияти давомида корхона харажатларига олиб бориш, бухгалтерия хужжатларига тегишли ёзувларни киритиш.

18. Баҳолаш жараёнида мустакил баҳолаш ва экспертиза хулосалари асосида омбордан сотилган асосий воситалар ва товар моддий бойликларнинг бухгалтерия дафтар колдиғи киймати билан баҳоланган нархи ўртасидаги фарк суммаларини,

- таъсисчи (иштирокчи) сифатида корхона, ташкилот, МЧЖларга киритилган таъсис улушларнинг кайтарилмаганлиги хисобидан кўрилган зарар суммаларини,

-корхонанинг бухгалтерия баланси каторларидаги ўтган йиллардан келаётган зарарлар, ундириш иконияти мавжуд бўлмаган камомадлар ва умидсиз дебитор карздорлик суммаларини кайта тахлил килиб чикиб, тегишли хужжатлар ва белгиланган тартибда асосида харажатларни хисобдан чикариш максадида 2022 йил молия-хўжалик фаолияти давомида корхона харажатларига олиб бориш, бухгалтерия хужжатларига тегишли ёзувларни киритиш.

- талаб килиш муддати ўтган эски йиллардан шаклланиб келаётган, суд карорлари, ижро хужжатлари мавжуд бўлмаган ва кредитор корхона томонидан сўровномалар берилмаган кредитор карздорликлари тахлил килиб корхона даромадига олиш.

19. Жамиятнинг дебитори "Карши ёғ мой экстракция" АЖ билан 2018 йил 01 январда "Талаб килиб олингунга кадар (текинга) омонат саклаш тўғрисида " тузилган №1- сонли шартномага асосан топширилган техник чигитдан тўланмасдан колган 647,4 тоннасининг, суммасини ўз даврининг

прейскурант нархларида тузилган солиштирма далолатномаси ва унга асосан, дебитор карздорликни ундириш мақсадида тузилган "Келишув битими", "Кредиторлик ҳуқуки ўтганлик тўғрисида"ги далолатнома, "Талабдан бошкани фойдасига воз кечиш ( кредиторлик ҳукукини бериш) тўгрисида"ги битимларини тасдиклаш ҳамда карздорлик суммасини қайта таҳлил килиб чикиб, тегишли ҳужжатлар ва белгиланган тартиб асосида аникланган ортикча суммани ҳисобдан чиқариш ва корхонанинг 2022 йил хўжалик-молия фаолияти давомидаги даромадларидан камайтириб, бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувларни киритиш.

Кун тартиби эълон килинганидан сўнг, мухокамага ўтилди.

**<u>Кун тартибидаги биринчи масала бўйича</u>** йиғилишда раислик қилувчи А.Я.Жумаев сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилиш кун тартибида 19 та масала кўрсатилганлигини ва ҳар бир масала бўйича маърузачига-5(беш) дақиқадан, муҳокама учун-5 (беш) дақиқагача вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқукларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини таъкидлади.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашининг 2022 йил 23 майдаги йиғилиш қарорига кўра саноқ комиссияси таркибига жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи –Амиров Анваржон Олимович, бош ҳисобчи – Садуллаев Зухридин Ғуломович ва Бош механик – Исматов Шухрат Нуъмонович номзодларини киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан Умумий йиғилишининг регламенти ва саноқ комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**
**"Ёқлаганлар" – 1 233 792 та овоз (100 фоиз);**
**"Қаршилар" – йўқ; "Бетарафлар" - йўқ.**
**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

**1. Жамият акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг регламенти ва уч кишидан иборат қуйидаги таркибда саноқ комиссияси тасдиқлансин:**

**1) А.О.Амиров;**
**2) З.Ғ.Садуллаев;**
**3) Ш.Н.Исматов.**

**<u>Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича</u>** жамият Бош директори А.Худойбердиев сўзга чиқиб, Жамиятнинг 2021 йил якуни ва безнес-режа

кўрсаткичларини бажарилиши бўйича жамият бошқарув раиси хисобот берди (хисобот илова қилинади).

Ҳисоботда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, ишлаб чиқариш, молиявий-хўжалик фаолияти ва бизнес-режа бажарилиши тўғрисидаги кўрсаткичлар ҳамда ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича амалга оширилган ишлар ўз аксини топган.

Йиғилиш катнашчилари томонидан жамият бош директорининг 2021 йилдаги фаолияти бўйича хисоботи муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар юзасидан бош директор А.Худойбердиевга тегишли топшириқлар берилди.

Йиғилишда раислик қилувчи А.Жумаев акциядорлардан бош директорнинг 2021 йилдаги фаолиятига баҳо бериш ва унинг ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**
**"Ёқлаганлар" –1 233 792 та овоз (100 фоиз);**
**"Қаршилар"- йўқ; "Бетарафлар"- йўқ.**
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

**Жамиятнинг 2021 йил якуни ва безнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши бўйича жамият бошқарув раисининг хисоботи маълумот учун қабул қилинсин.**

**<u>Кун тартибидаги учинчи масала бўйича</u>** жамият молиявий масалалар бўйича директори З.Садуллаевга сўз берилди ва у йиғилиш иштирокчиларига жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди. *(йиллик ҳисобот илова қилинади).*

Йиғилишда раислик қилувчи А.Жумаев акциядорлардан жамиятнинг 2021 йиллик ҳисоботини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**
**"Ёқлаганлар" –1 233 792 та овоз (100 фоиз);**
**"Қаршилар"- йўқ; "Бетарафлар"- йўқ.**
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

**1. Жамиятнинг 2021 йиллик бухгалтерия баланси хамда молиявий натижалари қониқарли деб топилсин ва тасдиқлансин.**

**<u>Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича</u>** йиғилишда раислик қилувчи А.Жумаев жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси Ш.Эшбоевга сўз берди.

Ш.Эшбоев жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тайёрланган тафтиш комиссияси хулосасини ўқиб эшиттирди (хулоса илова қилинади).

Йиғилишда раислик қилувчи А.Жумаев акциядорлардан жамият тафтиш комиссиясининг хулосасини маълумот учун қабул қилишни таклиф этди ва ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**"Ёқлаганлар" – йўқ;**

**"Қаршилар"- 1 233 792 та овоз (100 фоиз);**

**"Бетарафлар"- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

**1.Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тузилган тафтиш комиссиясининг хулосаси маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин.**

<u>**Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича**</u> жамият директори А.Худойбердиев сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига кузатув кенгашининг 2021 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини ўқиб эшиттирди (ҳисобот илова қилинади).

Ҳисоботда асосан кузатув кенгаши томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, ўтказилган йиғилишлар ва йиғилишларда қабул қилинган қарорлар ўз аксини топган.

Йиғилишда раислик қилувчи А.Жумаев акциядорлардан жамият кузатув кенгашининг 2021 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**"Ёқлаганлар" – 1 233 792 та овоз (100 фоиз);**

**"Қаршилар"- йўқ; "Бетарафлар"- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

**Жамият кузатув кенгашининг 2021 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.**

<u>**Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича**</u> молиявий масалалар бўйича директори З.Садуллаев сўзга чиқиб, жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича 2022 йил 4 апрелдаги Миллий стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хулосаси билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди.

"ZAMIN OIL-AUDIT" МЧЖ аудиторлик ташкилотининг хулосаларида "Шахрисабз пахта тозалаш" акциядорлик жамиятининг 2021 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда халқаро стандартларга мувофиқ.

Йиғилишда раислик қилувчи А.Жумаев акциядорлардан 2021 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича "ZAMIN OIL-AUDIT" МЧЖ аудиторлик

ташкилотининг 2022 йил 4 апрелдаги Миллий стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хулосасини тасдиклаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш оркали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**"Ёқлаганлар" – 1 233 792 та овоз (100 фоиз);**

**"Қаршилар"- йўқ; "Бетарафлар"- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши **карор килади:**

**1. "ZAMIN OIL-AUDIT" МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2022 йил 4 апрелдаги Миллий стандартларга мувофиқ берилган аудиторлик текшируви хулосаси тасдиклансин.**

**Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича** йиғилишда раислик килувчи А.Жумаев сўзни жамиятнинг Бош директори А.Худойбердиевга берди.

А.Худойбердиев жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойда жамият мол-мулкларини "Оксарой текстил" МЧЖга 2019 йил 03 октябрда 15-сонли олди-сотди шартномасига кўра 23.842.839,0 минг сўмга 5 йил давомида тўлаб бериш шарти билан сотилгани ҳисобига бўлган. Кўчмас мулкни сотиш шартномасининг 3.5-бандига асосан "Объект" топшириш-кабул килиш далолатномаси расмийлаштирилган вақтдан бошлаб "Объект"га нисбатан эгалик ва фойдаланиш ҳуқуки "Сотиб олувчи"га "тасарруф этиш" ҳуқуқисиз ўтиши ва мазкур шартноманинг 4.1-банди билан сотиб олувчи тўловга қобилиятсиз деб топилган ёки белгиланган тўловлар тўланмаган тақдирда сотувчи шартномани муддатидан олдин бир томонлама бекор килиши ҳамда мулкни қайтариш олиш ҳуқуқи белгилаб қўйилган, шартноманинг 2-иловасидаги тўлов графигига асосан сотиб олувчи томонидан мулк кийматини 5 йил мобайнида ойма-ой тенг кисмларда тўлаб бериши белгиланган. Сотиб олувчи томонидан 2019 йилда 1.402.520,0 минг сўм, 2020 йилда 5.610.080,0 минг сўм, жами 7.012.600,0 минг сўм тўлов амалга оширилганли ва ушбу тўлов 2020 йил якуни бўйича ўтказилган акциядорлар умумий йиғилишида таксимланганлиги, Жамият томонидан қўшимча киймат солиғи ва фойда солиғи Кўчмас мулкни сотиш шартномасининг тўлик суммасидан тўланганлиги айтиб ўтилди.

2021 йил якуни бўйича жамият 4.760.094,0 минг сўм зарар билан якунлаган.

Акциядорларнинг умумий йиғилишига жамиятнинг ўтган йиллардан таксимланмаган 13.387.092,0 минг сўм соф фойдасининг 2021 йил якуни бўйича кўрган зарарини ҳисобга олган ҳолда таксимлаш бўйича таклиф бериш кераклиги айтиб ўтилди.

Жамиятнинг ўтган йиллардан таксимланмаган 13.387.092.000 сўм маблағи қуйидагича таксимлаш таклиф этилди:

4.760.094.000 сўм 35,56 фоизи 2021 йил якуни бўйича кўрилган зарарни коплаш учун;

Зарар копланганидан сўнг жамиятнинг кластер корхоналари билан 2021 мабойнида ўтказилган ва 2022 йил давомида ўтказиладиган ҳисоб китоблари, тўловларини инобатга олган холда, шунингдек жамиятнинг тўлов қобилиятидан келиб чиккан холда жами коладиган 8.626.998.000 сўм соф фойданинг

**4.188.046.533 сўми *(48,54 фоизини)*** қуйидагича тақсимлашни ва қолаётган 4.438.951.467 сўм маблағни тақсимланмаган соф фойда таркибида қолдиришни таклиф қилди.

шундан

-4.062.405.137 сўми 97,0 фоизини жамият акциядорларига дивиденд *(солиғи билан бирга)* учун.

-125.641.396 сўм яъни тақсимланадиган соф фойданинг 3,0 фоизини шундан 1 фоизи 41.880.465 сўмини жамиятнинг кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини рағбатлантиришга, 2 фоизи 83.760.931 сўмини, ижроия органи раҳбари ва тегишли меҳнат жамоаси мутахассисларини ижтимоий иқтисодий жиҳатдан қўллаб қувватлаган ҳолда, рағбатлантириш учун ажратишликни ;

-4.438.951.467 сўм яъни тақсимланмасдан қолаётган соф фойдани кейинги йиллар соф фойда тақсимотида кўриб чиқиб тақсимлаш учун жамғарилган соф фойда таркибида қолдиришни йиғилиш қатнашчиларига таклиф қилинди.

Йиғилишда раислик қилувчи А.Жумаев жамият акциядорларидан соф фойда тақсимоти учун акциядорлардан кун тартибидаги масала бўйича берилган таклифга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**
**"Ёқлаганлар" – 1 233 792 та овоз (100 фоиз);**
**"Қаршилар" – йўқ; "Бетарафлар" - йўқ.**
**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

**1. Жамиятнинг ўтган йиллардан тақсимланмаган 13.387.091,730 минг сўм соф фойдасидан:**

**-4.760.094,0 минг сўм 35,56 фоизи 2021 йил якуни бўйича кўрилган зарарни қоплаш учун йўналтирилсин;**

Зарар қоплангандан сўнг жамиятнинг кластер корхоналари билан 2021 мобайнида ўтказилган ва 2022 йил давомида ўтказиладиган ҳисоб китоблари, тўловларини инобатга олган ҳолда, шунингдек жамиятнинг тўлов қобилиятидан келиб чиққан ҳолда жами қоладиган 8.626.998.000 сўм соф фойданинг **4.188.046.533 сўми *(48,54 фоизини)*** қуйидагича тақсимлансин;

шундан

**-4.062.405,137 сўми** 97,0 фоизини жамият акциядорларига дивиденд тариқасида *(солиғи билан бирга)* тўлаб бериш учун йўналтирилсин;

**-125.641.396** сўм яъни тақсимланадиган соф фойданинг **3,0** фоизини **шундан 1 фоизи 41.880.465** сўмини жамиятнинг кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолари аъзоларини рағбатлантиришга, **2 фоизи 83.760.931** сўмини ижроия органи раҳбари ва тегишли меҳнат жамоаси мутахассисларини ижтимоий иқтисодий жиҳатдан қўллаб қувватлаган ҳолда, рағбатлантириш учун йўналтирилсин;

**-4.438.951,467** сўм кейинги йиллар соф фойда тақсимотида кўриб чиқиб тақсимлаш учун жамғарилган соф фойда таркибида қолдирилсин.

**2. Дивидендлар мазкур йиғилиш қарори қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кун ичида тўлансин.**

**- дивидендларни тўлашни бошлаш санаси: 26 июнь 2022 йил.**

**- дивидендларни тўлашни тугатиш санаси: 26 августь 2022 йил.**

**3. Дивидендлар белгиланган тартибда ва юқорида кўрсатилган муддатларда акциядорларининг банкдаги ҳисоб-рақамларига пул маблағларини ўтказиш йўли орқали амалга оширилсин.**

**<u>Кун тартибидаги саккизинчи масала</u>** Йиғилишда раислик килувчи А.Жумаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқукларини химоя килиш тўғрисида"ги Қонунининг 79-моддасига асосан жамият директорининг, жамият бошқаруви аъзоларининг ҳуқук ва мажбуриятлари тегишинча ушбу Қонун ва бошка конун ҳужжатларида, жамият уставида ҳамда уларнинг ҳар бири жамият билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор килиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили карор кабул килиниши тўғрисида маълумот берди.

Раислик килувчи А.Жумаев сўзга чиқиб, жамият бош директори А.Худойбердиев ваколати тугаганлиги, ва бош директори лавозимига номзод тайинлаш масаласини кўриб чикиш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг йиғилиш катнашчилари А.Худойбердиев кўп йиллардан буён Шаҳрисабз пахта тозалаш АЖда турли лавозимларда ишлаб келаётганлигини, у ўзининг меҳнат фаолияти давомида жамият ва акциядорларнинг манфаатларини кўзлаб иш кўрганлигини, корхонанинг иктисодий кўрсаткичлари яхшиланиб рентабеллик даражаси ошишида унинг ҳиссаси катта эканлигини айтиб ўтишди.

Бундан сўнг А.Жумаев жамият ижроия органи раҳбари А.Худойбердиев билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини бир йилга узайтириш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш оркали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**"Ёқлаганлар" – 1 233 792 та овоз (100 фоиз);**

**"Қаршилар" – йўк; "Бетарафлар" - йўк.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

**Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:**

**1.** "Шаҳрисабз пахта тозалаш" АЖ Бош директори Худойбердиев Азам Бобохонович билан тузилган меҳнат шартномасининг муддати жамият акциядорларининг 2022 йил якуни бўйича ўтказиладиган навбатдаги умумий йиғилишигача узайтирилсин.

2. Жамият номидан Бош директор Худойбердиев Азам Бобохонович билан меҳнат шартномасини (шартномани амал қилиш муддати– 2022 йил якуни бўйича ўтказиладиган жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишигача) имзолаш ваколати Кузатув кенгаши раисига берилсин.

3. Жамият Бош директори А.Худойбердиевга:

- ўз вазифаларини бажариш даврида барча бирламчи ва банк хужжатларига биринчи имзо қўйиш ҳамда жамият Уставида белгиланган ваколат ва мажбуриятлардан конун доирасида фойдаланиш ҳуқуқи берилсин;

- "Ўзпахтасаноат" АЖ тугатиш Лойиҳа офиси хамда "Қашқадарё-пахтасаноат" ҲБАЖ томонидан бажарилиши белгиланган буйруқ ва топшириқларни ўз вактида амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

<u>Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича</u> жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори (бош ҳисобчи) З.Саъдуллаев сўзга чиқиб, жамиятда 2022 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ташқи аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларидан жамиятга келиб тушган қуйидаги тижорат таклифлари билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди:

| т/р | Аудиторлик ташкилотининг номи | Мурожаат санаси | Миллий аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви, минг сўмда |
|---|---|---|---|
| 1 | "ZAMIN OIL – AUDIT " аудиторлик ташкилоти МЧЖ | 18. 04. 2022 й № 28 | 8000,0 |
| 2 | "Mustaqil-M" аудиторлик ташкилоти МЧЖ | 24. 04. 2022 й 16-сон | 15000,0 |
| 3 | "ФИНАНС АУДИТ" аудиторлик ташкилоти МЧЖ | 13.04.2022 йил №18 | 15000,0 |

Муҳокама давомида жамият акциядори Ф.Тоғаев жамиятга келиб тушган тижорат таклифларни инобатга олган ҳолда, ташқи аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотлари орасидан малакали мутахассисларга ҳамда энг қулай нархларга эга бўлган аудиторлик ташкилотини танлаш зарурлигини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг 37-моддасига асосан аудиторлик ташкилоти айнан бир хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини кетма-кет етти йилдан ортиқ аудиторлик текширувидан ўтказишга ҳақли эмас. Юқорида кўрсатилган 3 та аудиторлик ташкилотлари кетма-кет етти йилдан ортиқ жамиятни аудиторлик текширувидан ўтказмаган.

Бундан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи А.Жумаев акциядорлардан 2022 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини аудиторлик текширувидан ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**
**"Ёқлаганлар" – 1 233 792 та овоз (100 фоиз);**
**"Қаршилар" – йўқ; "Бетарафлар" - йўқ.**
**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги тўккизинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

**1. 2022 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини:**

**-Миллий аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун "ZAMIN OIL-AUDIT" МЧЖ аудиторлик ташкилоти танлансин ва унинг хизматларига тўланадиган хакининг миқдори 8.000,0 минг сўм белгилансин;**

**2. Жамият ижроия органи раҳбарига:**

**-юқорида кўрсатилган аудиторлик ташкилот билан белгиланган тартибда шартномаларни тузсин;**

**-қонунчиликда белгиланган муддатларда жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва кузатув кенгашига аудиторлик текшируви натижалари бўйича ҳисобот ҳамда хулосаларини киритсин.**

<u>**Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича**</u> жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори (Бош ҳисобчи) З.Саъдуллаев сўзга чиқиб, жамиятда 2022 йил учун мўлжалланган бизнес режасини ўқиб эшиттирди. (2022 йил учун мўлжалланган бизнес режа илова қилинади)

Муҳокамадан сўнг йиғилишда раислик қилувчи А.Жумаев акциядорлардан кун тартибидаги масала бўйича берилган таклифга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**
**"Ёқлаганлар" – 1 233 792 та овоз (100 фоиз);**
**"Қаршилар" – йўқ; "Бетарафлар" - йўқ.**
**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

**1. Жамиятнинг 2022 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

<u>**Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича-**</u> Жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи – А.Амиров сўзга чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди:

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 15-моддасига кўра,жамиятнинг низомига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар, шу жумладан янги таҳрирдаги устави ушбу Қонуннинг 14-моддасида жамиятни рўйхатдан ўтказиш учун назарда тутилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозимлиги ҳамда жамият уставига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги низоми давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан учинчи шахслар учун кучга кириши ҳақида гапирди.

Шундан сўнг жамият директори А.Худойбердиев жамият низомига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинишини айтиб ўтди.

Шунга кўра, жамият низомига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши сабабли жамият низомининг янги таҳририни тасдиқлаш лозимлигини билдирди.

Йиғилиш раиси акциядорларга кун тартибидаги мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш оркали билдиришни таклиф этди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**
**“Ёқлаганлар” – 1 233 792 та овоз (100 фоиз);**
**“Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.**
**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича акциядорлар умумий йиғилиши **қарор қилади:**

**1. “Шахрисабз пахта тозалаш” АЖ Низомининг янги тахрири иловага мувофиқ тасдиклансин.**

**2. “Шахрисабз пахта тозалаш” АЖ бош директори А.Худойбердиевга Жамият низомининг янги тахририни қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатда давлат рўйхатидан ўтказиш юклатилсин.**

**Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича-** Йиғилиш раиси А. Жумаев кун тартибидаги масала юзасидан ўзи сўзга чиқиб “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш бўйича “Лойиха” офисининг 2022 йилл 14 июндаги ШМ-12/640-сонли ва 2022 йил 21 июндаги АХ -12/680- сонли хатлари билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди. Хатларда “Пахтасаноат”ХБАЖ ва пахта тозалаш корхоналарининг ташкилий тузилмаси хамда штат жадваллари лойихалари тавсия килинган бўлиб тавсиявий ташкилий тузилма ва штат жадвали лойихалари белгиланган тартибда акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишларида кўриб чиқилиб умумий йиғилиш карори билан тасдикланиши лозимлиги кайд килинганлигини айтиб ўтиб, тавсиявий ташкилий тузилма ва штат жадвали билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди ва сўзни жамият бош директори А.Худойбердиевга берди.

Кун тартибидаги масала бўйича жамият бош директори А.Худойбердиев сўзга чикиб, хозирги вактда “Шахрисабз пахта тозалаш”АЖ да тугатиш ишлари олиб борилаётганлигини, корхонанинг дебитор ва кредиторлик карзларини бартараф этишда, жамият омборхонасидаги эхтиёт кисмлар мавжудлигини хисобга олиб, заруриятга кўра жамиятнинг 2022 йил 01 июлдан бошлаб тузиладиган штат жадвалиб жами 6 нафар штат бирлигида, бир ойлик иш хаки фонди микдори 16.148.760 сўмни ташкил килиши тўғрисида йиғилиш иштирокчиларига маълумот берди.

Мухокомада давомида йиғилиш раиси А.Жумаев корхонада юзага келадиган заруриятдан келиб чикиб, қўшимча ходимни ишга қабул килишни “Қашкадарёпахтасаноат” ХБАЖ тугатиш комиссияси билан олдиндан келишилган холда, фукаролик шартномаси асосида амалга ошириши мумкинлигини айтиб ўтди.

Бундан сўнг, йиғилишда раислик килувчи А. Жумаев акциядорлардан жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш оркали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**
**“Ёқлаганлар” – 1 233 792 та овоз (100 фоиз);**
**“Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

**1. "Шахрисабз пахта тозалаш" АЖнинг Ташкилий тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

**2. Жамиятнинг 2022 йил 01 июлдан бошлаб тузиладиган штат жадвали жами 6 нафар штат бирлигида, бир ойлик иш ҳақи фонди миқдори 16.148.760 сўм қилиб белгилансин.**

**- шунингдек Ҳукумат қарорлари асосида иш ҳақи тўловларининг оширилиб борилиши бўйича юзага келадиган муносабатларни мувофиқлаштириш ваколати жамият низомида белгиланган тартиб бўйича Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилсин.**

**3. Жамиятда юзага келадиган заруриятдан келиб чиқиб, "Қашқадарёпахтасаноат" ХБАЖ тугатиш комиссияси билан келишилган холда, фуқаролик шартномаси асосида қўшимча ходимларни ишга қабул қилишлик жамият ижроия органи раҳбари А. Худойбердиевга юклатилсин.**

<u>Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича</u> йиғилишда раислик қилувчи А.Жумаев сўз олди ва Кузатув кенгаши аъзоларига қуйидагилар маълум қилинди.

"Қашқадарёпахтасаноат" ҲБАЖни тугатиш комиссиясининг 2022 йил 13 июндаги 01-131-сонли хатига мувофиқ амалдаги қонунчиликка ва жамият Уставига асосан жамият Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси таркибига кўрсатилган номзодлар тўғрисида маълумот берди.

Унга кўра Кузатув кенгаши таркибига: Тошев Санжарбек Саматович -Давлат активларини бошқариш агентлиги Қашқадарё вилояти худудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари, Исломов Одил Очилович -Давлат активларини бошқариш агентлиги Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси, Қурбанов Фирдавс Қобилжонович- "Ўзпахтасаноат" АЖ бошқарма бошлиғи, Жўраев Рустам- Жамиятнинг 28% акцияси эгаси томонидан таклиф этилган номзод, Тиловов Ўктам- Жамиятнинг 28% акцияси эгаси томонидан таклиф этилган номзод.

Таклиф этилган номзодлар белгиланган тартибда кузатув кенгаши таркибига сайланиши учун кўрсатилган ва кумулятив овоз бериш бўйича бюллетенларига киритилган.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи А. Жумаев акциядорлардан кузатув кенгашига кўрсатилган номзодларни сайлаш учун ўз муносабатларини кумулятив овоз бериш бўйича тузилган бюллетенлар орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

<u>**"Қашқадарёпахтасаноат бирлашмаси" АЖ ва жамият акциядори томонидан кўрсатилган номзодлардан:**</u>

Тошев Санжарбек Саматовичга:

**"Ёқлаганлар" – 1.319.565 та овоз;**

Исломов Одил Очиловичга:

**"Ёқлаганлар" – 1.319.565 та овоз;**

Қурбанов Фирдавс Қобилжоновичга:

**"Ёқлаганлар" – 1.319.566 та овоз;**

Жўраев Рустамга:

**"Ёқлаганлар" – 1.105.132 та овоз;**

Тиловов Ўктамга:

**"Ёқлаганлар" – 1.105.132 та овоз;**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

**Жамият кузатув кенгаши аъзолигига қуйидагилар сайлансин:**

**"Қашқадарёпахтасаноат" ХБАЖ ва акциядорлар томонидан кўрсатилган номзодлардан:**

1. **Тошев Санжарбек Саматович -Давлат активларини бошқариш агентлиги Қашқадарё вилояти худудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари;**
2. **Исломов Одил Очилович -Давлат активларини бошқариш агентлиги Қашқадарё вилояти худудий бошқармаси бош мутахассиси;**
3. **Қурбанов Фирдавс Қобилжонович- "Ўзпахтасаноат" АЖ бошқарма бошлиғи;**
4. **Жўраев Рустам- Жамиятнинг 28% акцияси эгаси томонидан таклиф этилган номзод;**
5. **Тиловов Ўктам- Жамиятнинг 28% акцияси эгаси томонидан таклиф этилган номзод;**

**Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича**- Қашқадарёпахтасаноат" ХБАЖ Тугатиш комиссияси раиси З.Сафаров "Ўзпахтасаноат" акциядорлик жамиятини тугатиш Лойиҳа офисининг 2022 йил 24 майдаги АХ-12/578 сон хати билан таништирди.

Хатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6-мартдаги ПҚ-4633-сон "Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан "Ўзпахтасаноат" АЖни ва тизим корхоналарида тугатиш ишлари олиб борилаётганлиги, Бундан ташқари Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига асосан пахта тозалаш корхоналарининг мол-мулклари пахта тўқимачилик кластер корхоналарига сотилганлиги сабабли, бугунги кунда асосий ишлаб чиқариш фаолияти кластер корхоналари томонидан амалга оширилиши айтиб ўтилган.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8-апрелдаги ПФ-101-сон "Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида"ги фармонга мувофиқ 2022 йил 1 июлдан бошлаб, давлат иштирокидаги корхоналар кузатув кенгаши аъзоларини рағбатлантириш ва ижро органи аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича ягона рағбатлантириш сиёсатини жорий этилиши белгиланганлиги ҳисобга олган ҳолда, ҳамда харажатларни қисқартириш мақсадида пахта тозалаш корхоналари акциядорлари (таъсисчилари)нинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишларида

жамият кузатув кенгаши аъзоларига улар уз вазифаларини баджариб турган давр учун хак тўлаш масаласини қайта кўриб чиқилишини таъминлаш тавсия этилган.

З.Сафаров масала давомида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8-апрелдаги ПФ-101-сон Фармонидан келиб чикиб, жамият кузатув кенгаши аъзоларига вазифаларини бажариб турган давр учун ягона рағбатлантиришни жорий этиш бўйича таклиф берди.

Мухокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи А.Жумаев акциядорлардан кун тартибидаги мазкур масала учун ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**
**"Ёқлаганлар" – 1 233 792 та овоз (100 фоиз);**
**"Қаршилар" – йўқ; "Бетарафлар" - йўқ.**
**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. **Жамият кузатув кенгаши аъзоларига ўз вазифаларини бажариб турган давр учун иш хақ тўланиб келиниши бекор қилинсин.**

<u>**Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича**</u> - жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори (Бош ҳисобчи) З.Г.Садуллаев сўзга чиқиб, хозирги кунда жамиятда фойдаланилмаётган объектлар йўқлиги ва "Шахрисабз пахта тозалаш" АЖ га тегишли бўлган барча объектлар кластер ташкилотчиларига сотилганлиги, таъсирчан солиқ механизми мавжуд эмаслиги хақида акциядорларга тушунча бериб ўтди.

Мухокамадан сўнг йиғилишда раислик қилувчи А.Жумаев акциядорлардан кун тартибидаги масала бўйича берилган таклифга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**
**"Ёқлаганлар" – 1 233 792 та овоз (100 фоиз);**
**"Қаршилар" – йўқ; "Бетарафлар" - йўқ.**
**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

**1. "Шахрисабз пахта тозалаш" АЖ га тегишли бўлган барча обеъктлар кластер ташкилотчиларга йирик битим тузиш орқали сотилганлиги ва фойдаланилмаётган объектлар жамиятда мавжуд эмаслиги маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин.**

<u>**Кун тартибидаги ўн олтинчи масала бўйича**</u> йиғилишда раислик қилувчи А. Жумаев сўзни жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори З.Садуллаевга берди.

З.Садуллаевга сўзга чиқиб, жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари таҳлилини ўтказувчи ишчи-гурухи томонидан тасдиқланган

хулосасига асосан 2022 йил 01 январ ҳолатига қуйидаги умидсиз дебитор карздорликлар мавжудлиги ҳақида маълумот берди;

-Қарши "Олтин куз" МЧЖ *(биомаҳсулот учун)* 6.640.000 сўм;

-"Таъминотчи " МЧЖ *(ҳар хил материаллар учун)* 34.323.000 сўм

-"Қашкадарё таъминот савдо базаси" МЧЖнинг хар хил турдаги эхтиёт қисмлар учун 79.668.600 сўм.

Ушбу дебитор карздорликларни ундириш имкони бўлмаганлиги, яъни Қонунчилик талаби асосида тегишли тартибда иктисодий судларнинг қарздорликни ундириш юзасидан ҳал килув карорлари чикарилганлиги, Мажбурий ижро бюролари оркали ундирувга қаратилганлиги, шундай бўлсада жамият тугатилиб давлат реестридан чикиб кетганлиги сабабли жамият харажатига олиб борилганлиги ҳақида маълумот берди (хулоса илова килинади).

Муҳокамадан сўнг йиғилишда раислик килувчи А.Жумаев акциядорлардан кун тартибидаги масала бўйича берилган таклифга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш оркали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**"Ёқлаганлар" – 1 233 792 та овоз (100 фоиз);**

**"Қаршилар" – йўқ; "Бетарафлар" - йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн олтинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

**1. Бош директор бошчилигидаги ишчи-гурухнинг хулосасига асосан қонунчиликда белгиланган ундириш имконияти бўлмаган, тугатилган ва давлат реестридан чиқарилган :**

**-"Қарши "Олтин куз" МЧЖ** *(биомаҳсулот учун)* **6.640.000,0 сўм;**

**-"Таъминотчи " МЧЖ** *(ҳар хил материаллар учун)* **34.323.000,0 сўм**

**-"Қашқадарё таъминот савдо базаси" МЧЖнинг хар хил турдаги эхтиёт қисмлар учун 79.668.600 сўмлик дебиторлик карздорликлари жамият харажатига олинганлиги тасдиқлансин;**

**2. Жамият ижроия органи раҳбарига:**

**- жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ошиб кетишига йўл қўймаслик бўйича тегишли чораларни кўриш;**

**- барча турдаги харажатлар қисқартирилишига эришиш юклатилсин.**

<u>**Кун тартибидаги ўн еттинчи масала бўйича**</u>- жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори (бош ҳисобчи) З.Садуллаев сўзга чиқиб, Йиллар мобойнида ишлаб чиқариш жараёнларида фойдаланиб келинганлиги натижасида бугунги кунда фойдаланишга яроксиз ҳолга келиб қолган турли асосий восита, инвентарлар ва товар-моддий бойликларни;

-кўп йиллардан буён омборларда харидор бўлмаганлиги сабабли сотилмасдан сакланиб колдикда қолиб келаётган, вакт ўтиши, сакланиши эвазига ўзининг сифатини йўқотган, яроқлилик муддати ўтган турли хилдаги товар моддий қийматликлар, химикатлар;

-пахта хом ашёсини кабул қилиш, сақлаш, ишлаб чиқариш ва пахта маҳсулотларини истеъмолчиларга ортиб жўнатиш жараёнларида ишлатиладиган хар хил турдаги хисоб-китоб бланклари, (ХЛ ва дафтарлар) пахта хом ашёсини

етиштириш, қабул қилиш бўйича контрактация шартномаси бланклари ва турли хилдаги этикетка, ёрлиқлар;

- носоҳавий йўналишлар, мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида фойдаланиладиган турли хил китоблар, адабиётлар;

-уй рўзғор жиҳозлари, турли хилдаги кийим кечак (трикотаж) маҳсулотларини Қонунчиликда белгиланган тартибда чиқим қилиш мақсадида бухгалтерия миллий стандартлари талаблари асосида инвентаризациядан ўтказиб, тегишли ҳужжатлар ва белгиланган тартиб асосида харажатларни ҳисобдан чиқариш мақсадида 2022 йил молия-хўжалик фаолияти давомида корхона харажатларига олиб бориш, бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувларни киритиш таклифини берди.

Муҳокамадан сўнг йиғилишда раислик қилувчи А.Жумаев акциядорлардан кун тартибидаги масала бўйича берилган таклифга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 1 233 792 та овоз (100 фоиз);**

**“Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн еттинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

**1. Жамиятда Йиллар мабойнида ишлаб чиқариш жараёнларида фойдаланиб келинганлиги натижасида бугунги кунда фойдаланишга яроқсиз холга келиб қолган турли асосий восита, инвентарлар ва товар-моддий бойликларни;**

**-кўп йиллардан буён омборларда харидор бўлмаганлиги сабабли сотилмасдан сақланиб қолдиқда қолиб келаётган, вақт ўтиши, сақланиши эвазига ўзининг сифатини йўқотган, яроқлилик муддати ўтган турли хилдаги товар моддий қийматликлар, химикатлар;**

**-пахта хом ашёсини қабул қилиш, сақлаш, ишлаб чиқариш ва пахта махсулотларини истеъмолчиларга ортиб жўнатиш жараёнларида ишлатиладиган хар хил турдаги хисоб-китоб бланклари, (ХЛ ва дафтарлар) пахта хом ашёсини етиштириш, қабул қилиш бўйича контрактация шартномаси бланклари ва турли хилдаги этикетка, ёрлиқлар;**

**- носоҳавий йўналишлар, мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида фойдаланиладиган турли хил китоблар, адабиётлар;**

**-уй рўзғор жиҳозлари, турли хилдаги кийим кечак (трикотаж) махсулотларини Қонунчиликда белгиланган тартибда чиқим қилиш мақсадида бухгалтерия миллий стандартлари талаблари асосида инвентаризациядан ўтказиб, тегишли хужжатлар ва белгиланган тартиб асосида харажатларни хисобдан чиқариш мақсадида “Қашқадарёпахтасаноат”ХБАЖ тугатиш комиссияси аъзолари иштирокида ва жамиятнинг ички буйруқлари асосида инвентаризация комиссияси таркиби тузилсин.**

**-Инвентаризация комиссияси аъзолари кўрсатилган холатларга аниқлик киритиб тегишли ваколатли органлардан хулосалар олинишини ташкил қилиш, фотосуратлар асосида албомлар, далолатномалар тайёрлаш ишларини ташкил этсин ва 2022 йил давомида ўтказиладиган жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишига тўпланган ҳужжатлар ва материалларни тақдим қилсин, ва тегишли бошқарув органининг қарори асосида 2022 йил молия-хўжалик фаолияти давомида корхона харажатларига олиб борилиб, бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувлар киритилсин.**

**2. Жамият ижроия органи раҳбари А.Б.Худойбердиев зиммасига ушбу қарорни назорат ва ижро қилиш юклатилсин**

<u>Кун тартибидаги ўн саккизинчи масала бўйича</u> жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори (Бош ҳисобчи) З.Садуллаев сўзга чиқиб, Баҳолаш жараёнида мустақил баҳолаш ва экспертиза хулосалари асосида омбордан сотилган асосий воситалар ва товар моддий бойликларнинг бухгалтерия дафтар қолдиғи қиймати билан баҳоланган нархи ўртасидаги фарқ суммаларини;

- таъсисчи (иштирокчи) сифатида корхона, ташкилот, МЧЖларга киритилган таъсис улушларнинг қайтарилмаганлиги ҳисобидан кўрилган зарар суммаларини;

-корхонанинг бухгалтерия баланси қаторларидаги ўтган йиллардан келаётган зарарлар, ундириш иконияти мавжуд бўлмаган камомадлар ва умидсиз дебитор қарздорлик суммаларини қайта таҳлил қилиб чиқиб, тегишли ҳужжатлар ва белгиланган тартибда асосида харажатларни ҳисобдан чиқариш мақсадида 2022 йил молия-хўжалик фаолияти давомида корхона харажатларига олиб бориш, бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувларни киритиш.

- талаб қилиш муддати ўтган эски йиллардан шаклланиб келаётган, суд қарорлари, ижро хужжатлари мавжуд бўлмаган ва кредитор корхона томонидан сўровномалар берилмаган кредитор қарздорликлари таҳлил қилиб корхона даромадига олиш таклифини киритди.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи А. Жумаев акциядорлардан кун тартибидаги мазкўр масала учун ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 1 233 792 та овоз (100 фоиз);**

**“Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн саккизинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

**1. Баҳолаш жараёнида мустақил баҳолаш ва экспертиза хулосалари асосида омбордан сотилган асосий воситалар ва товар моддий бойликларнинг бухгалтерия дафтар қолдиғи қиймати билан баҳоланган нархи ўртасидаги фарқ суммаларини;**

**-таъсисчи (иштирокчи) сифатида корхона, ташкилот, МЧЖларга киритилган таъсис улушларининг қайтарилмаганлиги ҳисобидан кўрилган зарар суммаларини;**

**-корхонанинг бухгалтерия баланси қаторларидаги ўтган йиллардан келаётган зарарлар, ундириш иконияти мавжуд бўлмаган камомадлар ва умидсиз дебитор қарздорлик суммаларини қайта таҳлил қилиб чиқиб, тегишли ҳужжатлар ва белгиланган тартибда асосида харажатларини ҳисобдан чиқариш мақсадида 2022 йил молия-хўжалик фаолияти давомида корхона харажатларига олиб бориш, бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувларни киритиш.**

**- талаб қилиш муддати ўтган эски йиллардан шаклланиб келаётган, суд карорлари, ижро хужжатлари мавжуд бўлмаган ва кредитор корхона томонидан сўровномалар берилмаган кредитор қарздорликлари таҳлил қилиб корхона даромадига қонунчиликда белгиланган тартибда олинсин.**

**-кун тартибидаги ушбу масала бўйича тўпланган ҳужжатлар ва иш материаллари 2022 йил давомида ўтказиладиган жамият акциядорларининг навбатдан ташкари умумий йиғилиши муҳокомасига такдим қилинсин, ва тегишли бошқарув органининг қарори асосида 2022 йил молия-хўжалик фаолияти давомида корхонанинг даромад ва харажатларига олиб борилиб, бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувлар киритилсин.**

**2. Жамият ижроия органи раҳбари А.Б.Худойбердиев зиммасига ушбу қарорни назорат ва ижро қилиш юклатилсин.**

**Кун тартибидаги ўн тўққизинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи А. Жумаев сўзга чиқиб, сўзни жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори З.Ғ.Садуллаевга берди.

З.Ғ.Садуллаев жамиятнинг дебитори "Қарши ёғ мой экстракция" АЖ билан 2018 йил 01 январда "Талаб қилиб олингунга қадар (текинга) омонат сақлаш тўғрисида " тузилган №1- сонли шартномага асосан топширилган техник чигитдан тўланмасдан қолган 647,4 тоннасининг, суммасини ўз даврининг прейскурант нархларида тузилган солиштирма далолатномаси ва унга асосан, дебитор қарздорликни ундириш максадида тузилган "Келишув битими", "Кредиторлик ҳуқуки ўтганлик тўғрисида"ги далолатнома, "Талабдан бошқани фойдасига воз кечиш ( кредиторлик ҳуқукини бериш) тўғрисида"ги битимларини тасдиклаш ҳамда қарздорлик суммасини қайта таҳлил қилиб чиқиб, тегишли ҳужжатлар ва белгиланган тартиб асосида аникланган ортикча суммани ҳисобдан чиқариш ва корхонанинг 2022 йил хўжалик-молия фаолияти давомидаги даромадларидан камайтириб, бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувларни киритиш таклиф этилди.

З.Ғ. Садуллаев томонидан берилган хисоботда **фарк сумма 484.476.911=** (1.489.010.800-1.004.533.889) сўмни ташкил қилиши аникланди.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи А.Жумаев жамият акциядорларидан мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришлари сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**"Ёқлаганлар" – 1 233 792 та овоз (100 фоиз);**

**“Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.**
**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн тўққизинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

**1. Топширилган техник чигитдан тўланмасдан қолган 647,4 тоннасининг, суммасини ўз даврининг прейскурант нархларида тузилган солиштирма далолатномаси ва унга асосан, дебитор қарздорликни ундириш мақсадида тузилган “Келишув битими”, “Кредиторлик ҳуқуқи ўтганлик тўғрисида”ги далолатнома, “Қарзни бошқа шахсга ўтказиш (кредиторлик ҳуқуқини бериш) тўғрисида”ги битимларини тасдиқлаш ҳамда қарздорлик суммасини қайта таҳлил қилиб чиқиб, тегишли ҳужжатлар ва белгиланган тартиб асосида аниқланган ортиқча 484.476.911 сўм сумма** *( 2021 йил молия хўжалик йилида корхона даромадига олинганлиги сабабли)* **ўзаро ҳисоб китоблардан чиқарилсин ва корхонанинг 2022 йил хўжалик-молия фаолияти давомидаги даромадларидан камайтириб, бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувларни киритилсин.**

**2. Жамият ижроия органи раҳбари А.Б.Худойбердиев ушбу қарорни назорат қилиш юклатилсин.**

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи А.Жумаев акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

**Йиғилишда раислик қилувчи:** ____________ **А.Жумаев**

**Йиғилиш котиби:** ____________ **А.Амиров**

Йиғилиш баённомаси 2022 йил 27.06 куни икки нусхада тузилди.